*ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!*

O'ZBEKISTON OQSOQOLLAR KENGASHI "MAHALLA"

# MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 32-33 (259-260) | 2001 йил 15 август, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

# МАҲАЛЛА ВА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИДА

**«...Маҳалла болалари футбол командалари ўртасида мамлакат биринчилиги... ўғилларимизнинг саломатлиги мустаҳкамлашда, уларнинг спортга бўлган қизиқишини янада кучайтиришда муҳим омил бўлди».**

**И.КАРИМОВ.**

Ҳа, биз кейинги пайтда бу қиёсни кўп ва бунинг устига хушлаб-хушлаб гапирадиган бўлдик. Айниқса, ўтган йили Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси томонидан бошланган маҳалла болалари футбол турнири бошлангач, бу ташаббус турли идоралар, айниқса, «Ўзтелерадио» компаниясининг «Ёшлар» телеканали томонидан қўллаб-қувватлангач, ҳар ёз бизга шундай кайфият бахш эта бошлади. Маҳалла болаларининг бу йилги баҳси финал босқичлари жонажон Ўзбекистон миллий жамоасининг жаҳон чемпионати финал босқичига берадиган йўлланма учун майдонга тушадиган пайтларига тўғри келиши бу ўринда худди табиий боғланиш бордек тасаввур уйғотади кишида.



Яқинда Ўзбекистон миллий Матбуот марказида мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» деб ном олган баҳсларнинг финал босқичи олдидан тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси, Олий Мажлис депутати Шуҳрат Жалилов, «Ёшлар» телеканали «Давр» информацион кўрсатуви бош муҳаррири Фурқат Зокиров, Ўзбекистон Футбол Федерацияси бўлим мудири Мухтор Ҳошимовлар турнирнинг юзага келиши ва унинг бу йилги баҳсининг ўзига хос томонлари ҳақида гапиришди.

(Давоми 2-бетда.)



Истиқлол маҳсулларидан бири

Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйига 16 кун қолди.




*1994 йили юртбошимиз Сурхондарёда бўлганларида бир фурсат халқ билан гаплашиб, элни, маҳалла оқсоқоллар дардини тинглаган, ҳолларидан хабардор бўлган эдилар.*

# ҚИШЛОҚЛАРГА ГАЗ ВА СУВ КЕЛМОҚДА

Шунда Бойсуннинг баъзи бир қишлоқларига табиий газ ва ичимлик суви муаммоси кўтарилиб, бир йил ичида туман аҳлига табиий газ келтирилишини айтган эдилар. Шу суҳбатдан сўнг мазкур ҳудудда газлаштириш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилди. Айтилган муддатда хонадонларда табиий газ - «зангори олов» ёнди. Пасурхи аҳлининг 300 га яқин оилалари табиий газдан баҳраманд бўлдилар.

Ҳозирда туманнинг 60 фоизи газлаштирилган. Яқинда бу ерда яна бир савобли ишга қўл урилди. Вилоят ҳокими Бахтиёр Олимжонов Бойсун туманида ичимлик сувини ҳал этишга киришди. Бу борада ўз ишининг усталари - мутахассислар томонидан ушбу лойиҳа иши яна бир бор батафсил ўрганиб чиқилди. 18 километр масофага қувур тортиш тартиби, 400 литр сув ўтказиш имкониятига эга сув ўтказиш йўллари пухта таҳлил қилинди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун бир миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш мўлжалланмоқда. Лойиҳага киритилган ўзгаришлардан сўнг уч километр масофадаги қувурлар тежаб қолинадиган бўлди.

Яқин муддатда лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Табиий иқлим шароити туфайли юртимиз деҳқонлари олдида баракали, мўл-ҳосил етиштиришлари учун сув муаммоси кўндаланг бўлиб турган ҳозирги пайтда Бойсун аҳли учун ичимлик суви муаммоси ҳал этилиши айни савоб иш бўлади.

Биз ҳам эл дардига малҳам бўлиш учун хизмат қилаётган халқ фарзандларининг ғайрат ва шижоатлари сўнмаслигини тилаб қоламиз.

**Омон ШУКУРОВ, «Mahalla» мухбири.**

## ШУ соннинг

2-саҳифасида:

- Журналист оқсоқол маҳалладошларнинг корига яраяпти.
- Малик ака тўла оқлангану, лекин фарзандларининг ушалмаган армонлари бор.

3-саҳифасида:

- Оби-Машадда Шарқ анъаналари ёшларнинг русмига айланмоқда.
- Хатирчилик Раҳматилла аканинг зиғир мойи ҳамда идишлар тўла асалларига харидор керак.

4-саҳифасида:

- Одам ўлганида онаси билан учрашармиш...
- Қайси ҳамкасбнинг уйида йўриқ-йўсин ўтказилса, ўша жойда Олим ака бош бўлади.
- Шеър ўқиш навбати Қўчқор Норқобилга етганда...

«MAHALLA»ГА ЖАВОБ

# «НОМИНГИЗДАН УЯЛМАЙСИЗМИ?»

9 МАЙ

**Узун тумани ҳокимлигида «Mahalla» рўзномасининг 2001 йил 9 май сонида чоп этилган «Номингиздан уялмайсизми?» сарлавҳали танқидий мақоласи ўрганиб чиқилди. Туман Ҳокимлиги атамалар комиссияси томонидан туман ҳудудида жойлашган Қизилой маҳалласи Мардистон, Қизил деҳқон маҳалласига «Истиқлол» номи берилди ва бу ҳақда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинининг қарори қабул қилинди.**

**Танқидий мақола кўрсатиб ўтилган 1 Май маҳалласи номи 2000 йил декабр ойида ўзгартирилган.**

**К.РАСУЛОВ, Узун тумани ҳокими ўринбосари.**

«MAHALLA»ГА МУНОСАБАТ: **«БОШҚАЛАР НИМА ДЕРКИН»** 11 ИЮЛ

***«...Маҳалла ҳудудида яшовчи фуқароларга уларнинг оилавий аҳволи, ер участкалари мавжудлиги ҳақида маълумотномалар бериш, паспорт рўйхатига қўйиш, рўйхатдан чиқариш ёки кам таъминланган оилаларга кўмаклашиш сингари масалалар юзасидан албатта, қишлоқ фуқаролар йиғинига бориб учрашишимиз шарт. Ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғини таркибида камида 5-6 тадан маҳалла мавжуд. Ана шу маҳаллалардаги кишилар уйларига яқингина жойга маҳалла фуқаролар йиғини бўлсаю, ўз хонадонига тегишли муаммони ҳал этиш учун олис йўл босиб қишлоқ фуқаролар йиғини идорасига бориши зарур бўлса?!...»***

***«БОШҚАЛАР НИМА ДЕРКИН» мақоласидан***

# ҚОНУН ИЧИГА КИРАЙЛИК, У КУЧИГА КИРАДИ

Ассалому алайкум!

Мен Қашқадарё вилояти Касби туманида Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмасининг раиси бўлиб ишлайман. «Mahalla» газетасининг 11 июлдаги сонида «Бошқалар нима деркин» сарлавҳаси билан босилган О.Улуғбековнинг фикри мени ҳам қизиқтирди. Мен ўзим албатта «Mahalla» газетасини олишим билан албатта маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаолиятига доир ҳар қандай масалаларни, хусусан, Республика Президенти И.Каримовнинг маҳалла фуқаролар йиғинлари оид айтган ҳар бир сўзларини ёки Сизларнинг ўз фикр-мулоҳазаларингизни, хузур қилиб ўқийман. Нега деганда Республика ҳудудида маҳалла фуқаролар йиғинлари 1997 йилда тузилганида мен туман ҳокимлигида ташкилий ва кадрлар иши бўйича бўлим мудири вазифасида ишлаб, ўз ташаббусим билан ўзим яшайдиган Касби қишлоғига маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланганман.

О.Улуғбековнинг мақоласида айтилган масала бўйича мен ҳам тегишли юқори органларга кўп марта мурожаат қилдим. Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасида раис (оқсоқол)нинг барча ваколатларини бериб қўйилган. Шу моддада «фуқароларга уларнинг оилавий ва мулкий аҳволи тўғрисида маълумотномалар ҳамда ҳужжатлар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар берилишини таъминлайди» дейилган. Янги таҳрирдаги ушбу Қонун 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган. Ўшандан бери шу масалани кўпгина семинарларда, ҳатто вилоят Оқсоқоллар кенгаши раисига бир неча марта айтилишига қарамасдан амалга оширилмаяпти. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг тузилишидан асосий мақсад аҳоли манфаатларини кўзлаб, уларнинг оғирини енгил қилиш, қийинчиликларни бартараф этиш ёки бошқа имтиёзлар берилиши эди-ку? Бир мисол: Касби маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳудудида 7 мингга яқин фуқаро, 1100 га яқин оилалар яшайди. Ҳудудда Касби, Жизза, Дурман қишлоқлари мавжуд. Шу қишлоқларнинг ҳудудидан ҳозирги кунда фаолият кўрсатиб турган Юксалиш қишлоқ фуқаролар йиғини биноси 18-20 километр узоқликда жойлашган. Касби маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан қишлоқ фуқаролар йиғинига бориб бир варақ маълумотномани ёки туғилиш тўғрисидаги гувоҳномани, ёки (худо асрасин ёзиш ҳам ноқулай) ўлим тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун шунча йўлга киракаш машиналарга фалон сўм бериб бориб келиш ўзи бўлмайди-ку?

Шу ҳужжатлар учун борадиган фуқаро қишлоқ фуқаролар йиғинига бориши билан йиғин масъул котибини ёки раисини бирданига топиши ҳам қийин.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасининг энг охирги бандида «Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади» дейилган. Бу масала ҳам маҳалла фуқаролар йиғинларининг муаммолари бўлиб турибди. 13-модданинг энг охирги бандидаги «Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) белгиланган намунадаги гувоҳномага эга бўлади» дейилган. Бу масала ҳам бизнинг ҳудудларда ҳалигача ҳал бўлган эмас.

Ҳа, биз Қонун ичига кирсак, у кучига киради.

**Курбон ҲАМИДОВ, Қашқадарё вилояти, Касби тумани Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлинмаси раиси.**

# СУД ЯКУНЛАНДИ

**Фарғона вилояти судида мамлакатимиз конституциявий тузумига тажовуз қилиш ҳамда жамоат хавфсизлиги ва тартибига қарши бошқа бир қанча жиноятларда айбланаётган бир гуруҳ шахслар устидан бошланган суд якунланди.**

Фарғона ва Андижон вилоятларида яшовчи 6 киши «қора курси»дан жой олди. Улар узоқ вақт мобайнида халқаро террорчи тўдаларнинг дала қўмондонлари, жумладан Жумабой Хожиев ва Тоҳир Йўлдошев билан тил бириктириб, Фарғона водийсида яшовчи ёшларни ёллаш, Тожикистон Республикасининг тоғли ҳудудларида жойлашган Жирғатол ва Хоит қишлоқларига, террорчилар тайёрлаш лагерларига жўнатиш билан шуғулланган. Суд тергови давомида уюшган жиноий гуруҳнинг 15 нафар ёш йигитни жангарилар лагерига жўнатишга алоқадорлиги исботланди. Уларнинг ҳар бири учун 100-200 АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти олинган.

Жиноят ишида кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг бирига кўра, жиноий гуруҳ аъзолари маҳаллий ҳокимият ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини ўлдириш билан боғлиқ ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун жиноий жазодан қочиб юрган Р.Охунов ва А.Йўлдошевни (1999 йил Боткен воқеалари вақтида ўлдирилган) 1997 йили Тожикистонга ўтказиб юборган.

Суд ҳукмига кўра, тўда раҳбари М.Холиқназаров ҳамда 1995-1997 йилларда Афғонистондаги террорчилик лагерларида махсус тайёргарликни ўтаган А.Исмоиловга мол-мулки мусодара қилиниб, 18 йил қамоқ жазоси тайинланди. Қолган жиноятчилар ҳам жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ шарти билан узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

**ЎзА.**

MAHALLA

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82, Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

